

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТИ

Саримов Шахбозали Соатали ўғли

*Тошкент давлат иқтисодиёт
университети докторанти*

Аннотация: Ушбу тадқиқотда иқтисодий ўсиш жараёнида давлат бюджети ва солиқ тизимининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинади. Давлат бюджети орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги таъсири кўриб чиқилади. Шу билан бирга, солиқ тизимининг самарадорлиги ва унинг иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омил сифатидаги роли ўрганилади. Тадқиқотда давлат молиявий сиёсатининг стратегик йўналишлари ҳамда бюджет-ҳаражатлар ва солиқ йиғимлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: иқтисодий ўсиш, давлат бюджети, солиқ тизими, молиявий сиёсат, иқтисодий барқарорлик, инвестиция, стратегик ривожланиш

Аннотация: В данной работе рассматривается стратегическая роль государственного бюджета и налоговой системы в обеспечении экономического роста. Анализируются механизмы воздействия бюджетной политики на экономическую стабильность, развитие инфраструктуры и повышение уровня жизни населения. Особое внимание уделено эффективности налоговой системы как фактора, влияющего на инвестиционный климат и предпринимательскую активность. Также рассмотрены вопросы сбалансированности между государственными расходами и налоговыми поступлениями в контексте устойчивого развития.

Ключевые слова: экономический рост, государственный бюджет, налоговая система, фискальная политика, экономическая стабильность, инвестиции, стратегическое развитие

Abstract: This thesis explores the strategic importance of the state budget and tax system in promoting economic growth. It analyzes how fiscal policies influence macroeconomic stability, infrastructure development, and public welfare. The effectiveness of the tax system is examined as a key factor affecting investment potential and economic activity. The study also emphasizes the need for a balanced relationship between government expenditures and tax revenues to ensure long-term sustainable development.

Keywords: economic growth, state budget, tax system, fiscal policy, macroeconomic stability, investment, strategic development

Ўзига хос бўлган солиқ тизими шаклантирилиши солиқ сиёсатининг самараси сифатида эътироф этиш мумкин. Республикамиз давлатчилиқ

шаклидан келиб чиқиб республикамизда республика бюджети даромадларини шакллантиришга қаратилган умумдават солиқлари ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришга қаратилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади. Солиқларнинг бюджетлар ўртасида тақсимланиши Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси билан мустаҳкамланган бўлиб, унга мувофиқ республикамиз солиқ тизимида амал қиладиган ҳар бир солиқ тури республика ёки маҳаллий бюджетга тушиши қатъий белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ айрим умумдават солиқлари маҳаллий бюджетларга тўлиқлигича бириктирилиши ёки улардан тушумлар республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши мумкин. Ушбу тизим бир неча йиллардан буён маҳаллий бюджетлар камомadini бартараф этиш мақсадида амалиётда самарали қўлланилиб келинмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз солиқ тизимининг муҳим хусусиятлари сифатида солиқ тўловчиларга нисбатан кўзда тутилган имтиёзларни ҳам қайд этиш мумкин.

Жумладан аҳолининг ижтимоий шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолдахорижий инвестициялар ўша ҳудудга кириб келишини ва экспорт фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган ҳамда киритилаётган инвестиция суммасига қараб имтиёзлар берилиши ифодаси сифатида келтириб ўтиш мумкин. Иқтисодий адабиётларда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида икки йўналиш: корхона ва ташкилотларга нисбатан солиқ сиёсати ва аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари учун солиқ сиёсати каби йўналишларга бўлиб ўрганилади.

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида давлат солиқ сиёсатининг асосий йўналиши бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган қатор илмий асосланган солиқларни жорий этиш ва шу орқали мавжуд солиқ тизимини тубдан қайтадан ташкил этишдан иборат бўлди. Солиқ сиёсатининг кейинги йўналиши эса жорий этилган солиқларни самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида солиқ муносабатларини амалга оширувчи тегишли муассасаларнинг ташкил этишга қаратилди.

Жаҳон солиқ сиёсати тажрибасида солиққа тортишнинг қуйидаги йўналишларига катта эътибор берилади:

- ҳар хил мулк шаклларига мосланган корхона ва ташкилотларнинг ҳўжалик юритишига мумкин қадар иқтисодий шароит яратиш, уларни бозор муносабатларига кириб боришига ҳар томонлама ёрдамлашиш;

- ижтимоий-зарурий умумдават вазифаларини бажариш учун давлатни керак бўлган молиявий манбалар билан таъминлаш;

– бозориктисодиёти шароитида янги ижтимоий-иқтисодий омилларни ташкил қилишда қатнашиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, иқтисодий ночорларга ёрдам бериш;

– аҳоли турмуш даражасини зарурий меъёردа сақлаб туриш имконини излаш ва таъминлаш, солиққа тортилмайдиган даромад минимумини вақти-вақти билан ошириб бориш. Бунда «истеъмол саватчаси» маълумотларини эътиборга олиш.

Бугунги кунда республикамиз солиқ сиёсатининг муҳим йўналишлари сифатида юридик ва жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштириш, ресурс солиқларига кўпроқ эътибор қаратиш, билвосита солиққа тортиш самарадорлигини таъминлаш ва солиқ тизимининг соддалигига эришиш, давлат харажатларини оптималлаштириш кабиларни қайд этиш мумкин.

Республикамизда солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юкини изчил камайитиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кўп бора таъкидланмоқда. Бунда биринчи навбатда уларнинг даромадларидан ундириладиган бевосита солиқларнинг салмоғини камайитириш лозимлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Бунинг натижасида, корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар улушини кўпайитириш эвазига унинг айланма маблағлари миқдорини кўпайтириб бориш ва оптимал даражасини сақлаш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш мақсадида кўпроқ инвестиция киритиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш имконини беради.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортилишини такомиллаштириш бўйича устувор йўналиш сифатида белгиланган солиқ ставкаларини камайитириш ва аҳоли даромадларини солиққа тортишнинг уч босқичли тизимидан икки босқичли тизимига аста секин ўтиш концепциясини давом эттириш вазифаси турибди.

Бевосита солиқлар бўйича солиқ юкини изчил камайитириш солиқ сиёсатининг самарадорлигини ЯИМга нисбатан улар тушумининг барқарор камайиши тенденцияси ҳам исботлайди. Солиқ тизимини такомиллаштиришда устувор аҳамият билвосита солиққа тортишга қаратилган. Билвосита солиқлар товарларга нисбатан қўшимча бўлгани ҳолда, пировард натижада ишлаб чиқарувчининг молиявий ҳолатига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмайди ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилмайди.

Ресурс солиқлари ер, сув ва бошқа табиий бойликлардан самарали фойдаланишни таъминловчи амалий восита бўлгани ҳолда бозор иқтисодиётида табиий ресурслардан фойдаланиш ва келажак авлодлар учун сақлаш борасида муҳим рол ўйнайди.

Солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири солиқ тизимини тартибга солиш, солиқ турларини камайтириш, ҳисоб-китоб механизминини соддалаштириш ва улар бўйича тўлов даврийлигини камайтириш ҳисобланади.

Солиқ сиёсати чораларини ишлаб чиқишда энг муҳим вазифалардан бири давлат харажатларини ўз вақтида ва мўлжалланган ҳажмда молияланиши учун солиқ тушумларининг этарлилиги ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, солиқ юкини камайтириш борасидаги сиёсатни бюджетнинг харажатлар қисминини оптималлаштириш чоралари билан кўшиб олиб борилишини тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда олиб борилаётган оқилонга солиқ сиёсатинатижасида илгари фақат фискал вазифаларни бажарган давлат солиқ хизмати органлари бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган кўп функцияли давлат бошқаруви органига айлантирилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яратилган "Электрон ҳукумат" тизими таркибига кирувчи Давлат солиқ қўмитасининг "My.soliq.uz" расмий сайти солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришда аҳолининг янада фаол қатнашишини ва давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда қулай шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

Солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ электрон шаклда тақдим этилишига ўтилганлиги тадбиркорларни 2-3 соат вақт сарфлаб навбатда туришларини олдини олиш билан бир қаторда уларнинг ўртача 9 млрд. сўмдан ортиқ маблағлари иқтисод қилинмоқда ва бу усул давлат бюджетига тўланадиган маблағлар бўйича маълумотларни тезкор таҳлил қилиш имконини берди. Шунингдек, солиқ тўловчи юридик шахслар интернетдаги "Шахсий кабинет"лари орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни онлайн шаклда тўлаш имкониятига эга бўлдилар.

Жаҳон банки ва халқаро экспертларнинг тавсияларидан келиб чиқиб, қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишлари этиб белгиланди¹:

- иқтисодиётга солиқ юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш;
- солиқларни унификация қилиш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, шунингдек, ўхшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни

¹"Ўзбекистон республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги ПФ-5468-сон Фармони

бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш, операцион харажатларни минималлаштириш;

– макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш;

– солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш;

– солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган ҳаволаки нормалар ва қонун ости ҳужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш, шу жумладан кодексда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларининг миқдорларини белгилаш;

– хорижий инвесторлар ва инвестициялар учун қулай режимни сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш;

– солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу жумладан солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ тўловчиларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш, трансфер нархларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларга солиқ солиш тартибини жорий этиш йулга қойилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик./ТМИ. – Т.: Ношир, 2012, 712 б.
2. Ваҳобов А.В., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. –Т.: Иқтисод-Молия, 2008, 250 б.
3. Абдуллаев Е.А. и др. Государственные финансы Республики Узбекистан. Учебн. пособие.- Т.: ТФИ, 2001, 250 с.
4. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник.-7-е изд.перераб. и доп.-М.:Издательство “Дело и сервис”, 2015. 23-с.